

**Ўзбекистон Республикаси
Президентига Веб-сайт орқали
келиб тушган мурожаат**



1	Мурожаат тартиб рақами	213574-s/25
2	Оператор рақами	web-site
3.1	Мурожаат тушган сана ва вақт	17.12.2025 11:53:25
3.2	Ташкилотга келиб тушган сана ва вақт	17.12.2025 12:45:24
4	Мурожаат этувчи Ф.И.О.	JUMAYEV ORIFJON JANAYEVICH
5	Мурожаат этувчининг манзили	Наманган вилояти Поп тумани Имон ота МФЙ МАДАНИЯТ ҚФЙ, ИМОН-ОТА МФЙ, КЎРНОС КЎЧАСИ, уй:35
6	Мурожаат этувчи жинси, туғилган йили ва бандлиги	Эркак 12.05.1961 Ишлайди Жисмоний шахс
7	Юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) номи	
8.1	Телефон рақами	998999061261
8.2	Қўшимча телефон рақами	998999061261
9	Электрон манзили	
10	Мурожаатнинг қисқача мазмуни: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ушмви Республика Кенгаши раиси Ф. Р. Хананияевга. Ўзбекистон Республикаси ССВга қарашли “Парда Турсун” номли Республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация маркази (“ПТнРФваПТРМ”)тиббий ходимларидан. ТАШАККУРНОМА. Хурматли Фарходжон Рахмонович! Оллоҳга шукрлар бўлсинким, ҳозирги даврда Ватанимизда Мухтарам Президентимизнинг халқпарвар, сиёсатлари замирида юртимиз фуқаролари тобора ўз ўринларига, инсоний кадр-қимматларига эришиб, Ватанга, юртга ва қолаверса Президентимизга нисбатан кундун кунга садоқатлари ҳамда мухаббатлари ошиб, юртимиз порлоқ келажаги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорлик билан хизмат қилиш истаклари ошиб бормоқда. Бунга эса асосий сабаблардан бири, Ватанимизда қонун устуворлиги тобора ошиб бораётгани, фуқароларнинг инсоний кадр-қиммати юқори даражага кўтарилаётгани, аҳолининг конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқлари энг муҳим вазифага Давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани кабиллар деб биламиз. Бироқ афсуслар бўлсинким ҳозирда ҳам айрим ташкилот раҳбарлари томонидан ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ноқонуний бузиш, уларнинг инсоний кадр-қимматларини камситиш, қонунларни менсимаслик каби салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Жумладан бизнинг “Парда Турсун” номли Республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация марказимизда ҳам марказ раҳбарияти томонидан бир қатор бизнинг меҳнат ҳуқуқларимизга нисбатан қонунбузарликлар содир этилди,	

хамда бизлар бир неча бор марказ рахбариятига бизниг ҳуқуқларимизни тиклаб бериш юзасидан мурожаатлар қилишимизга қарамай қонунни менсимаслик ва инсон кадриятларига нисбатан масъулиятсизлик оқибатида бизларни хатто эшитиши ҳам исташмади. Оллоҳга минг бор шукрим, бизларни ҳуқуқларимизни ҳам ҳимоя қиладиган Республика Касаба уюшмалар кенгашининг жонкуяр ва инсонпарвар ходимлари ва судларимизнинг одил ва адолатли судьялари бор эканлар, охир оқибат бизларнинг бузилган ҳуқуқларимиз тикланиб, моддий ва маънавий зарарларимиз ундириб берилди. Жумладан бизларнинг ходимлар сифатида меҳнат ҳуқуқларимизни ҳимоя қилинишида, қолаверса, биринчи навбатда бизларни инсонлик қадр-қимматимизни тикланиши, фуқаролик ҳуқуқларимизни авваламбор қонунбузарлик, қонунни менсимаслик касали билан қуролланган марказ рахбарияти ва уларнинг ҳимоячиларидан ҳуқуқни назорат қилувчи ташкилотлар идораларида ҳамда туман ва вилоят суд инстанцияларида қатъийлик ва адолатпарварлик хислатлари билан қонуний ва адолатли ҳимоя қилинишида Республика Касаба уюшмалари Кенгаши, Наманган вилояти бўйича меҳнат инспекцияси инспектори Абдурашид Реджаповнинг бизларга жонкуярлик билан қилган меҳнати катта бўлди. Бизлар Абдурашид Реджаповга ўзимиз ва оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз ва унга машаққатли, масъулиятли ишларида доимий соғлик-саломатлик, ишларида ривож, оилавий бахт-саодат, улкан омадлар тилаб қоламиз. Бизлар истардикки, Ватанимиз равнақи, халқимиз порлоқ келажаги учун Абдурашид Реджапов каби жонкуяр ходимлар кўпайсин. Бизлар ва бизнинг жамоамиз, ҳамда барча тиббий ходимлар номидан меҳнат ҳуқуқи жонкуяр ва фидокори Абдурашид Реджапов каби инсонларни Республика Касаба уюшмалари кенгаши ва Давлат мукофолари билан тақдирлашни сўраб қоламиз деб “Парда Турсун” номли Республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация маркази (“ПТнРФваПТРМ”) тиббий ходимлари: Шифокорлар: Орифжон Жумаев Жанаевич. Олимбой Каримов Яндошович. Марказ КУҚ раиси: Шавкатжон Суёнов Шерматович. Хамшира: Мафтуна Ўринбоева Абдужалиловна. Хамшира: Висола Нишоновна Тошмаматовна. Хамшира: Нозигул Эргашева Рахмонжоновна. Хамшира: Робия Муродбоева Алимжоновна. Хамшира: Мархабо Холмирзаева Хурсанбоевна. Санитарка: Роҳилахон Мамажоновна Райимжоновна. Санитарка: Маюсупова Наима Жумановна. Санитарка: Каримкулова Наргиза Турғунбоевна. Санитарка: Шахноза Соаталиева Ахматалиевна. Санитарка: Гулчехра Жураева Саминжоновна. Санитарка: Сабохат Назимова Сидиқжоновна. Санитарка: Гулнора Хамроқулова Рўзимбоевна. Санитарка: Наргиза Саиджалолова Усмановна.

17-декабрь 2025-йил.